

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУРАНОВА ГУЛНОЗА БОЙМУРАТОВНА**

**ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ОВҚАТЛАНИШИ ВА  
УНИНГ ФИЗИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ  
(Ўзбекистон Республикаси жанубий вилоятлари мисолида)**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Буранова Гулноза Боймуратовна**

Ҳомиладор аёлларнинг амалдаги овқатланиши ва унинг физиологик таҳлили  
(Ўзбекистон Республикаси жанубий вилоятлари мисолида) ..... 5

**Буранова Гулноза Боймуратовна**

Фактическое питание беременных женщин и её физиологический анализ  
(на примере южных областей Республики Узбекистан)..... 21

**Buranova Gulnoza Boymuratovna**

Actual nutrition of pregnant women and its physiological analysis  
(on the example of the southern regions of the Republic of Uzbekistan ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БУРАНОВА ГУЛНОЗА БОЙМУРАТОВНА**

**ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ОВҚАТЛАНИШИ ВА  
УНИНГ ФИЗИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ  
(Ўзбекистон Республикаси жанубий вилоятлари мисолида)**

**03.00.08 – Одам ва ҳайвонлар физиологияси**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/B201 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.qarshi.uz](http://www.qarshi.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталсида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбонов Шониёз Курбонович  
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кучкарова Любовь Салижановна  
биология фанлари доктори, профессор

Кузиев Мирзоҳид Садуллоевич  
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даражада берувчи PhD.03/30.06.2020.B.70.03 рақами илмий кенгашнинг 2022 йил “16 08 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабог кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: [qarshidu@umail.uz](mailto:qarshidu@umail.uz)). Қарши давлат университети, Бош биноси, 205-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (104 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабог кўчаси, 17. Тел: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: [qarshidu@umail.uz](mailto:qarshidu@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил “25 07 куни тарқатилди  
(2022 йил 25 07 даги 7-рақами реестр баённомаси).



Х.Қ. Ҳайдаров

Илмий даражада берувчи  
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
биология фанлари доктори, профессор

Ш.А. Саматова

Илмий даражада берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
биология фанлари номзоди, доцент

Л.Ҳ. Ёзиев

Илмий даражада берувчи  
илемий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси,  
биология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миёсида аҳоли турли гурухларининг овқатланиш сифати ва структураси ўзгариб, бу ҳол уларнинг биологик тўла қийматли оқсиллар, витаминлар ҳамда қатор минерал моддалар қабул қилиш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ҳомиладор аёлларнинг нотўғри ва етарли даражада овқатланмаслиги туғуруққача ва ундан кейин оғир касалланиши, ҳатто бевақт вафот этишининг сабабларидан бири бўлмоқда. Тўйиб овқатланмаслик она ва бола ўлимининг асосий омилларидан бирига айланмоқда. Шунга кўра, жойларда ҳомиладор аёлларнинг амалдаги овқатланишини ўрганиш ва уларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда аҳоли турли гурухларининг, жумладан, ҳомиладор аёлларнинг овқатланиш статусини аниқлаш ҳамда соғлом овқатланиш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада нотўғри овқатланишнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, у билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш, унинг тиббий-биологик жиҳатларини асослаш, физиологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва соғлом турмуш тарзи ҳамда овқатланиш маданиятини такомилаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда, айниқса, мустақилликка эришилганидан кейин аҳоли турли гурухларининг, хусусан, ҳомиладор аёлларнинг соғлом овқатланиши, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда социал фаоллигини ошириш, сиҳат-саломатлигини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди. Жумладан, “Овқатланиш бўйича миллий тадқиқот” дастури натижаларидан келиб чиқиб, репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болалар ўртасида микронутриентлар танқислигини камайтириш ҳамда уларнинг овқатланишини рационаллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш...” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, жумладан, республикамизнинг жанубий ҳудудларидағи қишлоқларда яшайдиган ҳомиладор аёллар овқатланишини физиологик таҳлил қилиш, бу йўналишдаги тегишли муаммоларни очиб бериш, ҳомиладорлик даврида тўғри овқатланиш бўйича услубий қўлланмалар яратиш, кунлик таомномаларни ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сонли “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижда ҳомиладор аёлларнинг туғуруққача ва туғуруқдан кейинги саломатлик ҳолатлари ҳамда унга етарли даражада овқатланмасликнинг таъсирини ўрганишга доир тадқиқотлар R.E.Black (2013), L.Say (2014), J.X.Wang (2014), M.F.Gaffey (2015), L.Alkema (2016) ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Россия Федерациясининг қишлоқ ва шаҳарлари шароитида ҳомиладор аёлларнинг йил фасллари бўйича оқсил, ёғ, углеводлар, витаминлар ва минерал моддалар билан таъминланишини меъёр кўрсаткичлари билан таққослаш ва уларнинг овқатланишини рационаллаштириш масалалари В.А.Потехин (2007), О.А.Фролова (2009), Е.В.Извекова (2009), Л.Н.Мачулина (2011), О.И.Михайлова (2014), В.М.Коденцова (2015) ва бошқалар томонидан ўрганилган.

П.С.Богданова (2008) ҳамда Е.В.Извековалар (2009) томонидан ҳомиладор аёлларда тана вазнининг овқатланиш статусига боғлиқлик жиҳатлари ўрганилган.

Ўзбекистонда А.Ф.Икромов (1993) томонидан Андижон вилояти шароитида ҳомиладор аёллар ва улардан туғилган болаларнинг кўриш аъзолари ва саломатлигига овқатланиш ҳамда пестицидларнинг таъсири, Д.Р.Ахмедова (2020) томонидан Бухоро вилояти шароитида ҳомиладорлик асоратли кечган аёлларда микроэлементоз ва уни коррекциялаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу тадқиқот ишлари ҳомиладорларнинг, хусусан, Республикаизнинг жанубида, қишлоқлар шароитида истиқомат қиласидиган аёлларнинг амалдаги овқатланиши ҳақида тўлиқ маълумотларни бера олмайди. Шунга кўра, ҳомиладор аёлларнинг айни шароитда амалдаги овқатланишини тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон “Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятлари

шароитида аҳоли турли гурухларининг амалдаги овқатланиши ва уни рационаллаштириш масалалари” илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси жанубий вилоятларидаги қишлоқларда яшайдиган ҳомиладор аёлларнинг амалдаги овқатланиш ҳолатини аниқлашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қашқадарё вилоятининг қишлоқлари шароитида ҳомиладор аёлларнинг асосий озиқ моддалар билан таъминланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ҳомиладор аёлларнинг қундалик овқатидаги қўшимча озиқ моддалар миқдорини аниқлаш ҳамда уни таҳлил қилиш;

текширилувчиларнинг қон зардобидаги айрим витаминлар ( $B_{12}$  ва D) ҳамда минерал моддалар (Mg, Fe, Ca,) концентрациясини аниқлаш;

ҳомиладор аёлларда тана массасининг ортиш динамикасини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида Қашқадарё вилоятининг Касби, Китоб ва Косон туманлари қишлоқларида истиқомат қиласиган 18-39 ёшли 261 нафар ҳомиладор аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Қашқадарё вилоятининг Касби, Китоб ва Косон туманлари қишлоқларида яшайдиган ҳомиладор аёлларнинг асосий ва қўшимча озиқ моддалар билан таъминланиши, унинг физиологик таҳлили, уларда қон зардобидаги айрим витаминлар ва минерал моддаларнинг концентрацияси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анкета-сўров, биокимёвий ва иммунофермент таҳлиллар, антропометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Ўзбекистон Республикасининг жанубидаги (Қашқадарё вилояти) қишлоқларда яшовчи ҳомиладор аёллар рационида оқсил, ёғ, углеводлар нисбати углеводлар улушкининг ошиши ҳисобига бузилганлиги очиб берилган;

қишлоқ шароитида истиқомат қиласиган ҳомиладор аёлларнинг оқсил (18-29 ёш гурухида ёғ), D,  $B_9$  ва  $B_{12}$  витаминлари, Ca, P макроэлементлари, йод ва темир микроэлементлари билан таъминланиш даражаси меъёрдан пастлиги асосланган;

қишлоқ шароитида истиқомат қиласиган ҳомиладор аёлларда қон зардобидаги D витамин, Fe ва Ca концентрацияси ҳомиладорлик муддатининг ошиб бориши билан камайиши исботланган;

қишлоқ шароитида яшаётган ҳомиладор аёлларда тана массасининг ортиш динамикаси меъёр даражасида сақланганлиги аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

қишлоқ шароитида яшайдиган ҳар хил ёшдаги ҳомиладор аёлларнинг асосий озиқ моддалар билан таъминланишини амалдаги меъёрларга таққослаш асосида улар рационида номутаносибликлар мавжудлиги аниқланган;

текширилувчиларнинг қундалик овқатидаги витаминлар ва минерал моддалар миқдорини, шунингдек, қон зардобидаги айрим витаминлар ва

минерал моддалар концентрациясини аниқлаш асосида ушбу нутриентлардан айримларининг меъёр даражасида ёки меъёрга нисбатан камлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган усуллар, замонавий биокимёвий ва иммунофермент таҳлиллар орқали олинган натижалар, уларнинг статистик таҳлили, натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланган меъёрлар билан таққосланганлиги, ишнинг натижа ва хулосалари нуфузли илмий журналларда нашр этилганлиги ҳамда тегишли муҳокамалардан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли ёшдаги ҳомиладор аёллар учун кунлик рацион тузишда, қолаверса, ҳомиладор она ва бола организмининг микронутриентлар билан етарлича таъминланишини назорат қилишга оид саплементация миқдорларини ишлаб чиқишида илмий асос сифатида фойдаланилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти репродуктив ёшдаги хотин-қизлар ҳамда ҳомиладор аёлларнинг соғлом овқатланишини ташкил қилишда ва улар ўртасида рационал овқатланишни тарғиб қилиш бўйича олиб бориладиган амалий тадбирларда асос сифатида фойдаланилиши билан изоҳланади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ҳомиладор аёлларнинг амалдаги овқатланишини ўрганиш ва уни физиологик таҳлил қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

текшириувчиларнинг кунлик овқати таркибида оқсил (18-29 ёш гурухида ёғ) миқдорининг белгиланган меъёрга нисбатан камлиги, углеводларнинг эса кўплиги, шунингдек, С, В<sub>1</sub>, В<sub>9</sub>, Е, D ва В<sub>12</sub> витаминларнинг меъёрдан камлиги, Mgнинг меъёрдалиги, қон зардобидаги микронутриентлар концентрацияси бўйича олинган натижалар Қорақалпоғистон Республикасининг даволаш муассасалари тизимининг амалдаги фаолиятида ва аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича олиб бориладиган тарғиботларда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 апрелдаги №01/4119-сон маълумотномаси). Натижада экологик ноқулай шароитда яшайдиган аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишлари ва бу борадаги тадбирлар самарадорлигини ошириш имконини берган;

ҳомиладор аёлларнинг кунлик овқатидаги С, В<sub>1</sub>, В<sub>9</sub>, Е, D, В<sub>12</sub> витаминларнинг миқдори меъёр даражасидан (12,8-50,0 %гача) кам эканлиги, Ca, P, Fe ва йоднинг ўртача миқдори физиологик меъёрга нисбатан (18,4-25,3 %гача) камлиги юзасидан олинган натижалар АҚШ нинг VetVittles LLC компаниясида биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқиш амалиётида жорий қилинган (VetVittles LLC компаниясининг (Brooklyn NY) 2022 йил 8 февралдаги маълумотномаси). Натижада микронутриент танқислигининг олдини олишда қўлланиладиган биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш спектрини янада ошириш имконини берган;

қишлоқ шароитида яшайдиган ҳомиладор аёлларнинг асосий ва қўшимча озиқ моддалар билан таъминланишини аниқлаш бўйича олинган натижалардан Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг амалий фаолиятида фойдаланилган, шунингдек, экологик ноқулай шароитда яшайдиган аҳолининг рационал овқатланишини ташкил этишда ва уни тарғиб қилишда жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2022 йил 24 январдаги №01/18-204-сон маълумотномаси). Натижада аҳоли турли гурухларининг, хусусан, ҳомиладор аёлларнинг овқатланиш маданияти борасидаги тушунчаларини 7-9 %гача ошириш ҳамда уларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7та халқаро ва 1та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда бта мақола, жумладан, 1та мақола хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 99 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмida олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шархи**” деб номланган биринчи бобида ҳомиладор аёллар организмининг айrim моррофунонционал хусусиятлари, асосий ва қўшимча озиқ моддалар, уларга бўлган физиологик талаблар, ҳомиладор аёлларнинг тана вазни индекси ва унинг ўзига хослиги ҳақида кейинги йилларда эълон қилинган адабиётлар асосида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Материал ва методика**”га бағишланган иккинчи бобида кузатув объектлари, анкета-сўров усули, қон зардобидаги айrim витаминлар ва минерал моддаларнинг концентрациясини аниқлаш усуллари ёритилган.

Тадқиқотлар 2017-2021 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятининг Касби, Китоб ва Косон туманларида доимий истиқомат қиладиган 261 нафар

18-39 ёшли (153 нафари 18-29 ёшли ва 108 нафари 30-39 ёшли) ҳомиладор аёллар орасида куз, қишиш ва баҳор мавсумларида олиб борилган.

Текширилувчиларнинг кунлик истеъмол таомлари таркибидаги асосий ва қўшимча озиқ моддалар микдори амалдаги физиологик меъёрларга (СанПиН №0347-17) нисбатан таққослаб ўрганилган.

Қон таркибидаги В<sub>12</sub> ҳамда D витаминаларнинг концентрацияси иммунофермент таҳлил усулида, замонавий биокимёвий анализаторлар MINDRAY MR-96A, қондаги Fe, Mg ва Ca концентрацияси эса MINDRAY BA-88A ёрдамида аниқланган. Бунда Германиянинг “HUMAN” фирмасининг биокимёвий тадқиқотлар учун қўлланиладиган реагентларидан фойдаланилган.

Олинган натижалар WINDOWS<sup>XP</sup> операцион тизимининг MS Excel ҳамда Origin 6.1. дастурларида математик ҳамда статистик жиҳатдан қайта ишланган.

Диссертациянинг “**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили**” деб номланган учинчи бобида Касби, Китоб ва Косон туманларида истиқомат қиласидиган ҳомиладор аёлларнинг асосий ва қўшимча озиқ моддалар билан таъминланиши, уларнинг физиологик таҳлили, қон зардобидаги айрим витаминалар ва минерал моддаларнинг концентрацияси, тана вазни индекси (Кетле индекси) ҳамда тана массасининг ортиш динамикасини аниқлаш натижалари акс этган. Респондентларнинг асосий ва қўшимча озиқ моддалар билан таъминланишига оид натижалари дастлаб туманлар кесимида, кейин эса учала туман бўйича ўртacha қийматлар келтирилган.

Учинчи бобнинг биринчи бўлимида ҳомиладор аёлларнинг асосий озиқ моддалар билан таъминланишига оид маълумотлар келтирилган. Унга қўра, Касби туманидаги 18-29 ва 30-39 ёшли аёлларнинг оқсиллар (шундан ҳайвон оқсиллари) билан таъминланиши меъёрга нисбатан тегишли ҳолда 84,8 % (63,3 %) ва 89,3 % (65,2 %)ни, кунлик овқатидаги ёғларнинг микдори эса меъёрга нисбатан тегишли ҳолда 87,8 % ва 109,4 %ни ташкил қилган. 18-29 ёшли респондентлар овқатида углеводлар микдори меъёрида, 30-39 ёшли аёлларда эса бу кўрсаткич меъёр даражасидан 20,9 %га кўплиги қайд қилинган.

Китоб туманида истиқомат қиласидиган 18-29 ва 30-39 ёшли ҳомиладор аёлларнинг кунлик овқатидаги оқсиллар (шундан ҳайвон оқсиллари)нинг ўртacha микдори меъёр даражасидан мос ҳолда 18,2 (40,2 %) ва 21,2 % (46,3 %)га камлиги кўрсатилган. Уларнинг ёғлар билан таъминланиши меъёридан сезиларли даражада фарқ қилмайди. Углеводларнинг ўртacha микдори эса меъёрга нисбатан мос ҳолда 17,3 ва 33,7 %га кўп.

Косон туманидаги 18-29 ва 30-39 ёшли ҳомиладорлар овқатидаги оқсиллар микдори меъёр даражасидан тегишли ҳолда ўртacha 12,7 ва 15,4 %га кам. Иккала ёш гурухининг ҳайвон оқсиллари билан таъминланиши эса қарийб меъёрнинг ярмини ташкил этган (тегишли ҳолда 44,9 ва 43,8 %). Шунингдек, уларнинг ёғлар ва углеводлар билан таъминланиши эса меъёрга нисбатан ўртacha 5,2-7,3 %гача кўплиги аниқланган.

Касби, Китоб ва Косон туманларида яшайдиган 18-29 ва 30-39 ёшли ҳомиладор аёлларнинг амалдаги овқатланишини ўрганиш бўйича олинган натижалар умумлаштирилган ҳолда 1-жадвалда ифодаланган.

1-жадвал

**Ҳомиладор аёлларнинг асосий озиқ моддалар билан таъминланиши  
(Касби, Китоб ва Косон туманлари бўйича ўртacha)**

Кўрсаткичлар	18-29 ёш (n=153)		30-39 ёш (n=108)	
	Меъёр	Натижа	Меъёр	Натижа
Умумий оқсиллар, г	91	$77,06\pm2,01^*$	89	$75,0\pm1,34^*$
Шундан ҳайвон оқсили, г	54	$32,1\pm0,95^*$	53	$30,9\pm0,58^*$
Умумий ёғлар, г	79	$75,1\pm1,73^*$	75	$78,8\pm1,39^*$
Умумий углеводлар, г	319	$341,7\pm6,16^*$	304	$366,5\pm5,16^*$
Умумий калория, ккал	2320	$2351,9\pm35,9$	2320	$2476,3\pm25,7^*$

\* $P<0,001$  меъёрга нисбатан таққосланганда

Жадвалдан кўриниб турибдики, 18-39 ёшли ҳомиладор аёлларнинг оқсиллар ва айниқса, ҳайвон оқсиллари билан таъминланиши меъёр даражасидан 15,3-41,6 %гача кам. 18-29 ёшли аёлларнинг кунлик овқатидаги умумий оқсил миқдори  $77,06\pm2,01$  г, 30-39 ёшлиларда эса  $75,0\pm1,34$  г га teng бўлиб, бу кўрсаткичлар меъёрга нисбатан тегишли ҳолда ўртacha 15,3 ва 15,7 %га кам. Шунингдек, ҳайвон оқсилларининг миқдори биринчи ёш гуруҳида  $32,1\pm0,95$  г, иккинчисида  $30,9\pm0,58$  г ни ташкил этиб, бу меъёр даражасидан 40,5 ва 41,6% га камлиги кўрсатилган. Уларнинг қундалик овқатидаги ёғлар, углеводлар ҳамда кунлик умумий калория миқдори эса меъёрида ёки ундан сезиларли даражада ортиқлиги (30-39 ёшли аёлларда умумий углеводлар 20,5 % кўп) билан ажралиб туради. Кунлик овқатнинг умумий энергетик қиймати эса айнан ёғлар ва углеводлар ҳисобидан меъёр даражасида бўлганлиги билан изохланади.

Меъёрий талабларга кўра ҳомиладор аёлларнинг кунлик овқати умумий энергетик қийматининг ўртacha 15 %и оқсиллар, 30 %и ёғлар ва 54 %и углеводлар ҳиссасига тўғри келиши лозим. Олинган натижаларда ушбу кўрсаткичлар қайд қилинган улушлардан фарқ қилган. Хусусан, Касби тумани бўйича олинган натижаларда (18-29 ёшлилар) кунлик овқат калориясининг 14,07 %и оқсиллар, 28,4 %и ёғлар ҳамда 57,4 % углеводлар улушкига тўғри келиши аниқланган. 30-39 ёшлиларда эса юқоридаги кўрсаткичлар тегишли ҳолда 12,5; 29,2 ва 58,1 %ни ташкил қилди. Китоб тумани бўйича қуйидаги ҳолат қайд қилинди: 18-29 ёшлиларда оқсиллар улуши ўртacha 12,1 %, ёғлар 26,6 %, углеводлар 61,2 %. 30-39 ёшлиларда бу кўрсаткич тегишли ҳолда 10,9 %, 25,8 % ва 63,1 %га teng. Косон тумани бўйича 18-29 ёшлилар ва 30-39 ёшлиларда ушбу озиқ моддалар энергетик қийматининг ҳиссаси тегишли ҳолда оқсиллар 13,1 ва 12,9 %, ёғлар 31,2 ва 31,1 % ҳамда углеводлар 55,6 ва 55,9 %га тўғри келади. Ҳар учала туман бўйича ўртacha ҳисобланганда кунлик овқат калориясининг 12,6 % оқсиллар, 28,7 % ёғлар ҳамда 58,5 % углеводлар ҳиссасига тўғри

келган. Бундай ҳолат қишлоқ шароитида ҳомиладор аёлларнинг нон ва ун маҳсулотларини (турли пишириқлар, макарон, юпқа, ғилвинди, печак, манти, сомсава б.) кўплаб истеъмол қиласланади. Шу билан бирга оқсил, ёғ ва углеводларнинг миқдорий нисбати ҳам меъёрдаги 1:0,9:3,5 (СанПиН №0347-17) ўрнига ўртacha 1:1:4,6 ни ташкил қиласланади.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида ҳомиладор аёлларнинг витаминалар билан таъминланиши келтирилган. Унга кўра, текширилувчиларнинг витаминалар билан таъминланиши ҳам меъёр даражасидан фарқ қиласланади. Хусусан, Касби туманидаги текширилувчиларда D, E, B<sub>1</sub> ва B<sub>9</sub> витаминаларининг миқдори меъёрга нисбатан ўртacha 21,5-52,0 %гача камлиги қайд қиласланади.

Китоб туманидаги 18-29 ёшли ҳомиладор аёлларнинг B<sub>9</sub>, D ҳамда PP витаминалари билан таъминланиши меъёрга нисбатан кам, C, B<sub>1</sub>, B<sub>2</sub>, A, E, B<sub>6</sub> ва B<sub>12</sub> витаминалари билан таъминланиши эса меъёр даражасида эканлиги аниқланган. 30-39 ёшлиларнинг кундалик истеъмол таркибидаги C, B<sub>9</sub>, D ва B<sub>12</sub> витаминаларининг миқдори меъёр кўрсаткичларидан ўртacha 18,4-72,0 %гача кам, қолган витаминалар билан таъминланиши эса меъёр даражасида эканлиги қайд қиласланади.

Косон туманидаги 18-29 ёшли текширилувчиларнинг C, B<sub>9</sub> ва D витаминалари билан таъминланиши меъёрга нисбатан тегишли ҳолда 16 %, 21,6 % ва 70,0 %га, 30-39 ёшлиларда бу кўрсаткичлар тегишли ҳолда 15,3 %, 20,3 % ва 74,4 %га кам. Шу билан бирга бу ёшдаги аёлларнинг овқатидаги B<sub>12</sub> витамини меъёрга нисбатан 17,6 %га кам бўлган.

Юқоридаги ҳолатлар ҳомиладор аёлларнинг рационида дуккаклилар, кўкатлар, цитрус мевалари ҳамда бошқа витаминаларга бой маҳсулотларнинг миқдори кам эканлиги билан изоҳланган.

Касби, Китоб ва Косон туманлари бўйича олинган натижалар умумлаштирилиб, ўртacha қийматлар қуидаги 2-жадвалда ифодаланган.

2-жадвал

### **Ҳомиладор аёлларнинг витаминалар билан таъминланиши (Касби, Китоб ва Косон туманлари бўйича ўртacha)**

Кўрсаткичлар	18-29 ёш (n=153)		30-39 ёш (n=108)	
	Меъёр	Натижа	Меъёр	Натижа
Витамин С, мг	80	70,8±1,70**	80	61,2±1,48**
Витамин B <sub>1</sub> , мг	1,4	1,24±0,11	1,4	1,22±0,03**
Витамин B <sub>2</sub> , мг	1,4	1,32±0,03*	1,4	1,28±0,03**
Витамин B <sub>9</sub> , мг	600	395,6±8,18**	600	445,3±13,5**
Витамин А, мкг	800	744,0±10,74**	800	709,7±10,2**
Витамин Е, мг	15	11,7±0,26**	15	12,7±0,36**
Витамин D, мкг	5	2,5±0,08**	5	2,8±0,08**
Витамин B <sub>6</sub> , мг	1,9	1,8±0,03**	1,9	1,6±0,04**
Витамин B <sub>12</sub> , мкг	2,6	2,17±0,04**	2,6	1,88±0,04**
Витамин PP, мг	18	16,1±0,25**	18	15,5±0,23**

\*P<0,05 \*\*P<0,001 меъёрга нисбатан таққосланганда

Учта туман бўйича олинган натижаларнинг ўртача қийматлари шуни кўрсатадики, 18-29 ёшли текширилувчиларнинг В<sub>9</sub>, Е, D ҳамда В<sub>12</sub> витаминалари билан таъминланиши меъёрга нисбатан ўртача 16,5-50,0 %гача кам. Хусусан, уларнинг овқатидаги В<sub>9</sub> витамини миқдори меъёрга нисбатан 34,0 %, Е витамини 22,0 %, D витамини 50,0 % ҳамда В<sub>12</sub> витамини 16,5 %га кам. 30-39 ёшли ҳомиладор аёлларнинг витаминалар билан таъминланиши 18-29 ёшлилардан анча фарқ қиласи, жумладан, уларнинг кундалик овқатидаги сувда ва ёғда эрийдиган витаминаларнинг миқдори меъёридан тегишли даражада камлиги билан ажралиб турди. Хусусан, С, В<sub>1</sub> В<sub>9</sub>, Е, D, В<sub>6</sub>, PP витаминалар миқдори меъёрга нисбатан 12,8-44,0 %гача кам. Фақатгина В<sub>2</sub> ва А витаминнинг суткалик рациондаги миқдори меъёр даражасига яқинлиги билан ҳарактерланади.

Учинчи бобнинг учинчи бўлимида ҳомиладор аёлларнинг айрим минерал моддалар билан таъминланиш ҳолати ёритиб берилган. Унга кўра, Касби туманидаги 18-29 ёшли текширилувчиларнинг кунлик овқатидаги кальций, темир ва йод миқдори белгиланган меъёрий кўрсаткичлардан 13,6-37,6 %гача кам бўлган. Қайд этилган номутаносибликлар кузатувда бўлган ушбу ёшдаги аёлларнинг кунлик овқатида кальций, темир ва йодга бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг (сут ва сут маҳсулотлари, кепакли нон, тухум сариги, дengiz маҳсулотлари ва x.) кам қабул қилиниши билан изоҳланган. Шу билан бир қаторда бу (18-29) ёш гурухидаги аёлларнинг фосфор, магний ва рух билан таъминланиши меъёрга нисбатан 20,9-61,0 %гача кўп. Текширилувчиларнинг кунлик таомномаларида бундай ҳолат уларнинг бодом, ёнғоқ, шоколад, дуккаклилар, сосиска, ун ва хамирдан тайёрланган маҳсулотларни нисбатан кўп истеъмол қилганлиги билан изоҳланади.

30-39 ёшли респондентларнинг минерал моддалар билан таъминланиши юқорида айтиб ўтилган ҳолатдан ўзига хос тарзда фарқ қиласи. Жумладан, уларнинг кунлик овқатидаги текширилган минерал моддаларнинг миқдори меъёрга нисбатан ўртача 12,0-20,8 %гача камлиги аниқланган ва бу текширилувчиларнинг овқатланишида тегишли номутаносибликлар борлиги ва тўғри овқатланиш қонун-қоидаларига етарлича эътибор берилмаганлиги билан изоҳланган.

Китоб туманидаги 18-29 ва 30-39 ёшли ҳомиладор аёлларнинг кундалик овқати таркибидаги кальций, фосфор ва магнийнинг миқдори меъёрга нисбатан ўртача 14,8-30,4 %гача кам. Шунингдек, темир, рух ва йодга нисбатан ҳам шундай тенденция кузатилган. Бундай ҳолатни кузатувда бўлган ҳомиладор аёлларнинг ҳомиладорлик даврида турли сабабларга кўра (кучли токсикоз ҳолати, иштаҳанинг пасайиши, кўнгил айниши, жигилдон қайнashi ва x.) етарли даражада овқатланмаслиги ёки овқатланишга бўлган эътиборнинг пасайиши билан тушунтирилган.

Косон туманидаги 18-29 ёшли аёлларнинг овқатидаги кальций, фосфор, рух ва йод миқдори меъёр даражасидан ўртача 13,6-31,8 %гача кам. Уларнинг магний ва темир билан таъминланиши меъёрга яқин ёки ундан кўп. 30-39

ёшлиларнинг кунлик овқатидаги кальций ва фосфорнинг миқдори меъёр даражасидан 28,9 ва 33,8 %га кам, магний билан таъминланиши эса меъёрида эканлиги кузатилди. Микроэлементлар билан таъминланиш даражаси ҳам меъёрга нисбатан ўртача 13,6-31,8 %гача кам. Бундай ҳолат қайд этилган худуддаги респондентларнинг кунлик овқатланишида номутаносибликлар мавжудлигини кўрсатади.

З-жадвалда кузатувлар давомида олинган натижаларнинг ўртача қийматлари умумлаштириб келтирилган.

3-жадвал

### **Ҳомиладор аёлларнинг минерал моддалар билан таъминланиши (Касби, Китоб ва Косон туманлари бўйича, ўртача)**

Кўрсаткичлар	18-29 ёш (n=153)		30-39 ёш (n=108)	
	Меъёр	Натижа	Меъёр	Натижа
Кальций, мг	1800	1276,1±24,9*	1800	1414,3±22,6*
Фосфор, мг	650	561,1±10,2*	650	499,2±9,1*
Магний, мг	300	364,4±8,1*	300	310,3±7,3
Темир, мг	25	19,9±0,51*	25	20,0±0,54*
Рух, мг	10	11,1±0,21*	10	8,18±0,13*
Йод, мг	0,22	0,16±0,002*	0,22	0,17±0,003*

\*P<0,001 меъёрга нисбатан таққосланганда

Олинган натижаларга кўра, 18-29 ёшли аёлларнинг овқатидаги кальций миқдори 1276,1±24,9 мг, фосфор миқдори 561,1±10,2 мг ни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар меъёр даражасидан тегишли ҳолда 29,1 ва 13,6 %га кам. Микроэлементлардан темир ва йод миқдори мос ҳолда 20,4 ва 22,2 %гача кам бўлган. 30-39 ёшлиларда ҳам шунга яқин ҳолат кузатилган. Хусусан, уларнинг кундалик овқатидаги кальцийнинг миқдори ўртача 1414,3±22,6 мг, фосфорнинг миқдори эса 499,2±9,1 мг ни ташкил қилиб, бу кўрсаткичлар меъёрга нисбатан мос ҳолда 21,4 ва 23,2 %га кам. Шу ёшдагиларнинг темир, рух ва йод билан таъминланишида ҳам шундай ҳолат қайд қилинган. Жумладан, уларнинг кундалик овқатидаги темирнинг ўртача миқдори 20,0±0,54 мг, рухничи 8,18±0,13 мг ҳамда йод миқдори эса 0,17±0,003 мг га teng бўлиб, бу меъёр даражасидан тегишли ҳолда 20,0 %, 18,2 % ва 22,7 %га кам.

Учинчи бобнинг тўртинчи бўлими қон зардобидаги айрим витамин ва минерал моддаларнинг концентрациясини ўрганишга бағишиланган. Қон зардобидаги витаминалар концентрациясини аниқлаш организмнинг мазкур микронутриентлар билан таъминланишини объектив баҳолашда муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қиласди. Тадқиқотлар давомида Косон туманидаги 21-34 ёшли ҳомиладар аёлларнинг кунлик овқатидаги В<sub>12</sub> ва D витаминларининг миқдори ҳамда уларнинг қон зардобидаги концентрацияси бир вақтда аниқланди. Олинган натижалар 4- ва 5-жадвалларда келтирилган.

**Косон туманидаги ҳомиладор аёлларнинг кундалик овқатидаги  
айрим витаминлар миқдори (n=24)**

Ҳомиладорлик даврлари	Витамин B <sub>12</sub>		Витамин D	
	Меъёр, мкг	Натижа, мкг	Меъёр, мкг	Натижа, мкг
I триместр	2,6	2,6±0,84	5,0	1,7±0,06**
II триместр	2,6	1,9±0,37	5,0	3,1±0,46
III триместр	2,6	1,2±0,59*	5,0	2,3±0,50*

\*P<0,05, \*\*P<0,001 меъёрга нисбатан таққосланганда

Жадвалда кўриниб турганидек, I триместрда B<sub>12</sub> витаминнинг миқдори меъёр даражасида бўлган ҳолда D витаминнинг миқдори 1,7±0,06 мкг ни ташкил қилиб, меъёрга нисбатан 66,0 % га камлиги аниқланган. II триместрда эса бу кўрсаткичларда ўзига хос ўзгаришларни кўриш мумкин. Жумладан, респондентларнинг кунлик овқатидаги B<sub>12</sub> витаминнинг миқдори меъёридаги 2,6 мкг ўрнига 1,9±0,37 мкг га teng бўлиб, бу меъёрга нисбатан 27,0 % камлигини кўрсатади. Шунингдек, рациондаги D витаминнинг миқдори 3,1±0,46 мкг ни ташкил этиб, бу меъёрга нисбан 38 % кам.

Ҳомиладорликнинг III триместрига келиб рациондаги витамин B<sub>12</sub> ва D нинг миқдори II триместрга нисбатан камайган. Яъни витамин B<sub>12</sub> нинг миқдори 1,2±0,59 мкг ни, витамин D нинг миқдори эса 2,3±0,50 мкг ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар меъёрга нисбатан ўртacha 50,0 % кам.

**Косон туманидаги ҳомиладор аёлларнинг қон зардобидаги  
айрим витаминлар концентрацияси (n=24)**

Ҳомиладорлик даврлари	Витамин B <sub>12</sub>		Витамин D	
	Меъёр пг/мл	Натижа пг/мл	Меъёр нг/мл	Натижа нг/мл
I триместр	200-1000	578,0±71,2*	12,6-42,3	18,25±7,35*
II триместр	200-1000	612,9±53,0*	12,6-42,3	15,3±4,4*
III триместр	200-1000	522,1±18,8*	12,6-42,3	10,8±0,81*

\*P<0,001 меъёрнинг юқори чегарасига нисбатан таққосланганда

Жадвалдан кўриниб турганидек, респондентларнинг қон зардобидаги B<sub>12</sub> витаминнинг концентрацияси меъёрий кўрсаткич 200-1000 пг/мл)нинг қуий ва юқори чегарасининг ўртасига тўғри келади. Агар мазкур меъёрни ўртacha 600 пг/мл а teng деб олсак, олинган натижаларда эса бу кўрсаткич меъёрга нисбатан ўртacha 95,16 %га teng бўлади. D витаминнинг концентрацияси меъёридаги 12,6-42,3 нг/мл а нисбатан фарқ қиласди. Жумладан, ҳомиладорликнинг I ва II триместрида унинг концентрацияси меъёрнинг қуий чегарасидан тегишлича 21,4 ва 44,8 % гача зиёд, III триместрида эса ўртacha 14,3 %гача

кам. Агар меъёрнинг қуи ва юқори чегарасига нисбатан ўртача кўрсаткичини 27,45 нг/мл деб ҳисобласак, унда ҳомиладорликнинг I триместрида витамин D концентрацияси мазкур меъёрга нисбатан 33,52 %га, II триместрда 44,27 %га ҳамда III триместрда эса 60,66 %гача кам. Бу кўрсаткичлар меъёрнинг юқори чегарасига нисбатан ўртача 56,8-74,4 %гача камлиги кўрсатилган. Ҳомиладорликнинг II триместрида текширилувчиларнинг қонидаги витамин В<sub>12</sub> ва D концентрацияси тегишли ҳолда  $612,9 \pm 53,0$  пг/мл ва  $15,3 \pm 4,4$  нг/мл ни ташкил этади. III триместрда эса ушбу кўрсаткичлар тегишли ҳолда  $522,1 \pm 18,8$  пг/мл ва  $10,8 \pm 0,81$  нг/мл га тенг бўлиб, бу кўрсаткичлар юқорида қайд этилганидек, ҳомиладорликнинг охирги даврларида меъёрга нисбатан камайиб боради.

Тадқиқотлар давомида 2021 йилнинг январь ойида Косон туманидаги 21-34 ёшли ҳомиладор аёлларнинг 5 қунлик овқати таркибидаги минерал моддалар миқдори ҳамда параллел равишда Қарши шаҳридаги “Appolo” хусусий лабораториясида мазкур минералларнинг қондаги концентрацияси ҳам аниқланди. Олинган натижалар 6- ва 7-жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

### **Ҳомиладор аёлларнинг кундалик овқатидаги айрим минерал моддалар миқдори (n=24)**

Кўрсаткичлар	Ҳомиладорлик даврлари					
	I триместр		II триместр		III триместр	
	Меъёр	Натижа	Меъёр	Натижа	Меъёр	Натижа
Магний, мг	300	$285,3 \pm 6,1^*$	300	$437,8 \pm 48,5^*$	300	$477,39 \pm 55,2^*$
Темир, мг	25	$13,2 \pm 0,73^*$	25	$18,7 \pm 1,61^*$	25	$20,01 \pm 1,61^*$
Кальций, мг	1800	$1248,15 \pm 76,5^*$	1800	$1532,07 \pm 25,4^*$	1800	$1448,14 \pm 87,6^*$

\* $P < 0,001$  меъёрга нисбатан таққосланганда

6-жадвалда кўриниб турганидек, текширилувчиларнинг кундалик овқатидаги магнийнинг миқдори улар учун белгиланган меъёр кўрсаткичларидан маълум даражада фарқ қиласди. Жумладан, I триместрда магнийнинг миқдори меъёрга нисбатан 95,1 %ни ташкил этган, II ва III триместрда эса меъёр даражасидан тегишли ҳолда ўртача 45,9 ва 59,1 %га кўп. Бундан кўриниб турибдики, респондентлар I триместрга нисбатан II ва III триместрларда магнийга бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини (хамирли овқатлар, дуккаклилар, куруқ мевалар ва х.) кўпроқ истеъмол қилишган. Бундан ташқари, ҳомиладорликнинг I триместрида аксарият ҳолларда кучли токсикоз, организмда содир бўладиган турли даражадаги физиологик ўзгаришлар боис кундалик овқатланишда ҳам II, III триместрларга нисбатан тегишли фарқлар кузатилади. Бундай ҳолат озиқ-овқат маҳсулотлариға бўлган кундалик эҳтиёжга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Текширилувчиларда рационида темир ва кальцийнинг миқдори эса меъёр даражасидан ўртача 14,9-47,2 %гача кам.

Қон зардобидаги минерал моддалар концентрациясини ўрганиш организмнинг мазкур микронутриентлар билан таъминланишини объектив баҳолашда муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан текширишлар давомида ҳомиладор аёлларнинг қон зардобидаги магний, темир ҳамда кальцийнинг концентрацияси ҳам аниқланди (7-жадвал).

7-жадвал

### **Ҳомиладор аёлларнинг қон зардобидаги айрим минерал моддаларнинг концентрацияси (n=24)**

Кўрсаткичлар	Ҳомиладорлик даврлари					
	I триместр		II триместр		III триместр	
	Меъёр	Натижা	Меъёр	Натижা	Меъёр	Натижা
Магний, ммоль/л	0,75-1,25	0,965±0,015*	0,75-1,25	0,99±0,09*	0,75-1,25	1,07±0,1
Темир, мкмоль/л	9,0-30,0	32,2±0,005*	9,0-30,0	20,3±4,2*	9,0-30,0	19,06±0,89*
Кальций, ммоль/л	2,0-2,5	2,25±0,021*	2,0-2,5	2,06±0,01*	2,0-2,5	2,06±0,01*

\*P<0,001 меъёрнинг юқори чегарасига нисбатан таққосланганда

Олинган натижаларга кўра, магнийнинг қондаги концентрацияси ҳомиладорликнинг I триместрида  $0,965\pm0,015$ ммоль/л га teng бўлиб, бу меъёрнинг куи чегарасига нисбатан 28,6 %га кўп, юқори чегарасига нисбатан эса 22,8 %га кам ёки ўртacha олинган меъёрга нисбатан 102,9 %ни ташкил этган. Шунингдек, II ва III триместрларда магний концентрацияси тегишли ҳолда  $0,99\pm0,09$  ва  $1,07\pm0,1$  ммоль/л га teng бўлиб, бу кўрсаткичлар меъёрнинг юқори чегарасига нисбатан тегишли ҳолда ўртacha 20,8 ва 14,4 %га камлигини кўрсатади.

Кузатувда бўлган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг I триместрида қон зардобидаги темир концентрацияси  $32,2\pm0,005$  мкмоль/л га teng бўлиб, бу кўрсаткич меъёрнинг юқори чегарасига нисбатан 107,3 %ни ташкил қиласди. Шунингдек, II триместрда темир концентрацияси  $20,3\pm4,2$  мкмоль/л га, III триместрда эса  $19,06\pm0,89$  мкмоль/л га тенглиги қайд қилинган. Бу кўрсаткичлар меъёрнинг юқори чегарасига нисбатан тегишли ҳолда ўртacha 32,4 ва 36,5 %гача кам (7-жадвалга қаранг). Бундай ҳолат ҳомиладорликнинг кейинги даврларида темирга нисбатан тегишли тақчилликни юзага келтириши мумкинлиги қайд қилинган.

Учинчи бобнинг бешинчи бўлимида ҳомиладор аёлларда тана вазни индексини аниқлаш бўйича олинган натижалар ва уларнинг физиологик таҳлили келтирилган. Ҳомиладор аёлларнинг бўй узунлиги, ҳомиладорликкача ва унинг охирги босқичидаги тана вазни, Кетле индекси ҳамда ҳомиладорлик даврида уларнинг тана вазнига вазни қўшилиш кўрсаткичлари ўрганилган. Олинган натижалар 8-жадвалда ўз аксини топган.

**18-39 ёшли аёлларда тана вазни индекси**

Ёши	Бўй узунлиги, м	Тана вазни (ҳомиладорликкача), кг	Кетле индекси, кг/м <sup>2</sup>	Ҳомиладорлик якунидаги тана вазни, кг	Тана вазнига вазн қўшилиши, кг
25,4±0,29	1,61±0,006	56,9±0,90	21,9±0,33	72,04±0,90	15,1±0,22
33,4±0,59	1,61±0,01	62,6±2,24	23,9±0,73	77,3±2,14	14,5±0,44

Жадвалдан кўриниб турганидек, Кетле индекси иккинчи ёш гуруҳидаги (30-39) текширилувчиларнинг биринчи ёш гуруҳидаги (18-29)га нисбатан меъёр даражасининг юқори чегарасига яқинлашади. Бундай ҳолат уларнинг ёш хусусиятлари ҳамда туғруқлар сонига боғлиқ ҳолда вазн қўшилиши билан изоҳланган.

Ҳомиладор аёлларнинг овқатланиш ҳолатини баҳолашда уларнинг тана вазни индекси бўйича тақсимланишини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Олинган натижалар 9-жадвалда келтирилган.


**Текширилувчиларнинг ҳомиладорликкача бўлган даврда  
Кетле индекси бўйича тақсимланиши**

Кетле индекси, кг/м <sup>2</sup>	18-29 ёшлилар (n=98)	30-39 ёшлилар (n=26)
Паст (18,50 дан кам)	12 (12,24%)*	-
Нормада (18,50-24,99)	67 (68,37%)	18 (69,23%)
Юқори (25,00 дан юқори)	16 (16,32%)	6 (23,07%)
Семизлик (30,0 дан юқори)	3(3,06%)	2 (7,69%)

\*қавс ичida текширилувчилар сонига нисбатан % ҳисобида

Текширилувчиларнинг (98 нафар 18-29 ёшли ва 26 нафар 30-39 ёшли) тана вазни индексини ўрганиш бўйича олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, биринчи ёш гуруҳидаги аёлларнинг 12,24 % ида ушбу кўрсаткич меъёр даражасидан паст, яъни кам тана массасига эга. Шунингдек, 18-29 ёшлиларнинг 68,37 % ида ва 30-39 ёшлиларнинг 69,23 % ида Кетле индекси меъёр даражасида. I даражали семизлик текширилувчиларнинг биринчи ёш гуруҳида 16,32 %ни, иккинчисида 23,07 %ни, II даражали семизлик эса тегишли ҳолда ўртача 3,06 % ва 7,69 %ни ташкил этган.

Ҳомиладор аёлларнинг (24 нафар) 40 акушерлик ҳафтаси давомида тана вазни ошиб бориши бўйича олинган натижаларга кўра ҳомиладорликнинг биринчи ярмида (20-ҳафтасигача) 18-29 ёшли ҳомиладор аёлларнинг тана вазнига  $5,495\pm0,29$  кг, 30-39 ёшлиларда эса  $4,700\pm0,34$  кг вазн қўшилган (расм). Биринчи гурухда иккинчи гуруҳдагига нисбатан 0,795 кг ортиқ. Ҳомиладорликнинг якунида эса иккала гурух ўртасидаги фарқ ўртача 1,854 кг ни ташкил этган.



**Расм. Ҳомиладор аёлларда тана вазнининг ортиб бориш динамикаси**

18-29 ёшли ҳомиладор аёлларнинг умумий тана вазнига вазн қўшилиши I триместрнинг дастлабки ҳафталарида ўртача  $0,156 \pm 0,01$  кг, 3-ҳафтасида  $0,356 \pm 0,03$  кг, 4-ҳафтасида  $0,547 \pm 0,03$  кг ни ташкил этган. 6-10-ҳафталарда ўртача 1-2 кг дан ошиб борган. 11-14-ҳафталарда эса бу қўрсаткичлар умумий тана вазнига тўғри пропорционал равишида кўпайиб борганлиги аниқланган. Ниҳоят, ҳомиладорликнинг 22-ҳафтасига келиб 6 кг дан зиёдроқ вазн қўшилиши ва охирги ҳафталарда бу қўрсаткич 14-15 кг гача етганлиги кузатилган. Худди шундай ҳолат 30-39 ёшли ҳомиладор аёлларнинг умумий тана вазнига вазн қўшилишида ҳам қайд қилинган. Бунда вазн қўшилиш қўрсаткичлари 18-29 ёшли аёлларда 30-39 ёшлиларга нисбатан сезиларли даражада кўплиги билан ажралиб туради.

## ХУЛОСАЛАР

“Ҳомиладор аёлларнинг амалдаги овқатланиши ва унинг физиологик таҳлили (Ўзбекистон Республикаси жанубий вилоятлари мисолида)” мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Ҳомиладор аёлларнинг асосий озиқ моддалар билан таъминланиши кунлик физиологик талаб меъёрларидан фарқ қилиб, оксил, ёғ ва углеводларни қабул қилиш миқдори ўртасидаги ўзаро умумий нисбат бузилган;
2. Текширилувчиларнинг кундалик овқатидаги C, B<sub>1</sub>, B<sub>9</sub>, E, D, B<sub>12</sub> витаминаларнинг миқдори меъёр даражасидан (12,8-50,0 %гача) кам.

3. Респондентларнинг кунлик рационидаги Ca, P, Fe ва йоднинг ўртача микдори физиологик меъёrlарга нисбатан (18,4-25,3 %гача) кам.

4. Ҳомиладорлик муддатининг ортиб бориши билан респондентлар қон зардобида D витамини, Fe, Ca концентрацияси камайиб боради.

5. Текшириувчиларнинг 12,24 %ида тана массаси меъёридан кам, 68,8 %ида меъёр даражасига яқин, 19,6 %ида 1-даражали ва 5,4 %ида 2-даражали семизлик мавжуд. Уларда тана массасининг ортиш динамикаси меъёр даражасида сақланган.

## **АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР**

Қишлоқ шароитида ҳомиладор аёлларнинг амалдаги овқатланишида қайд қилинган физиологик нуқсонлар она ва туғиладиган бола организмида салбий морфофункционал ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан жойларда уларни бартараф қилиш борасида қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Рацион таркибида асосий ва қўшимча озиқ моддаларни қабул қилиш микдори, овқатланиш тартиби ва кунлик жисмоний фаоллик меъёrlарига қатъий риоя қилиш.

2. Ҳомиладорликда тўғри, соғлом овқатланишга оид қонун-қоидалар, илмий ва илмий-оммабоп маълумотлардан мунтазам фойдаланиш.

3. Ҳомиладорликкача бўлган даврда оила аъзоларининг бу жараёнга нисбатан масъулиятини ошириш бўйича ахоли орасида тарғибот ишларини кенг қўламда олиб бориш.

4. Репродуктив ёшдаги қизлар ўртасида ҳомиладорликка оид соғлом турмуш тарзини оилада ва таълим муассасаларида узлуксиз тарғиб қилиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.06.2020.В.70.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

---

**БУРАНОВА ГУЛНОЗА БОЙМУРАТОВНА**

**ФАКТИЧЕСКОЕ ПИТАНИЕ БЕРЕМЕННЫХ ЖЕНЩИН И ЕЁ  
ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ  
(на примере южных областей Республики Узбекистан)**

**03.00.08 – Физиология человека и животных**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам**

**Карши – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.PhD/B201.

Диссертационная работа выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.qarshi.uz](http://www.qarshi.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Курбанов Шонияз Курбонович**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Кучкарова Любовь Салижановна**  
доктор биологических наук, профессор

**Кузиев Мирзохид Садуллоевич**  
доктор философии (PhD) по биологии, доцент

**Ведущая организация:**

**Каракалпакский государственный**  
университет имени Бердаха

Защита диссертации состоится «16» 08 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.B.70.03 при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103, Карши, улица Кучабог, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: [qarshidu@umail.uz](mailto:qarshidu@umail.uz)). Каршинский государственный университет Главный учебный корпус (аудитория №205).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрировано под №104). (Адрес: 180103, Карши, улица Кучабог, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: [qarshidu@umail.uz](mailto:qarshidu@umail.uz)).

Автореферат диссертации разослан «25» 07 2022 г  
(реестр протокола рассылки № 7 от «25» 07 2022).



**Х.К. Хайдаров**

Заместитель председателя Научного совета  
по присуждению ученой степени,  
доктор биологических наук, профессор

**Ш.А. Саматова**

Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученой степени,  
кандидат биологических наук, доцент

**Л.Х. Ёзиев**

Председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученой степени, доктор биологических  
наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время всё чаще наблюдается нарушение качества и структуры питания разных групп населения мира, оказывающее негативное влияние на потребление ими биологически полноценных белков, витаминов и ряда минеральных веществ. Особенно, нужно отметить, что недоедание является одной из причин тяжелых заболеваний беременных женщин до и после родов, а также их преждевременной смерти. В частности, недоедание становится одной из ведущих причин материнской и детской смертности. В связи с этим представляется важным организация здорового питания беременных женщин на основе изучения их фактического питания.

В мире проводится ряд научных исследований для оценки статуса питания различных групп населения, в том числе беременных женщин, и разработки концепции здорового питания. При этом в профилактике и устраниении нарушений питания особое место занимает выявление их причин, обоснование медико-биологических аспектов, а также их анализ с физиологической точки зрения, совершенствование здорового образа жизни и культуры питания.

После обретения независимости в нашей Республике большое внимание уделяется здоровому питанию различных групп населения, особенно беременных женщин, повышению их общественно-политической и социальной активности, дальнейшему укреплению их здоровья. В частности, согласно «Национальной программе исследований в области питания» разработана стратегия снижения дефицита микронутриентов и рационализации питания женщин репродуктивного возраста, беременных женщин и детей, разработан план мероприятий по ее реализации. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> поставлены задачи «...повышения удобства и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населения, формирование у населения здорового образа жизни...». Исходя из поставленных задач проведение физиологического анализа питания беременных женщин, в частности, проживающих в сельской местности страны, разработка методических рекомендаций для организации правильного питания в период беременности, разработка суточных рационов питания, имеют большое научное и практическое значение.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в нормативных правовых актах, связанных с данной деятельностью: Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6099 от 30 октября 2020 года «О мерах по широкому внедрению здорового образа жизни и дальнейшему развитию массового спорта», Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4063 от 18 декабря 2018 года «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке

---

<sup>1</sup>Постановление Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан».

здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения», Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4513 от 8 ноября 2019 года «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям», Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения» и др.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Зарубежом изучение различных причин и последствий недостаточности питания, как факторов, влияющих на дородовое и послеродовое здоровье беременных женщин проведено рядом авторов: R.E.Black (2013), L.Say (2014), J.X.Wang (2014), M.F.Gaffey (2015), L.Alkema (2016).

